


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 11 октябрь, № 204 (6898) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СОЧИ ШАҲРИГА КЕЛДИ

*СОЧИ, 10 октябрь.*
*ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 10 октябрь куни Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига келди.

Президентимизни Сочи халқаро аэропортида Россия Федерацияси расмий доиралари ва МДҲ Ижроия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисининг асосий тадбирлари 11 октябрга мўлжалланган. Мажлис кун тартибига Ҳамдўстлик доирасида сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда-ги ҳамкорликни ривожлантиришга доир 20 га яқин масалалар киритилган.

Саммит якунида МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941 — 1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган бошқа ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Мажлисда 2018 йилда Ҳамдўстликка раислик қиладиган мамлакат масаласи кўриб чиқилиши, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилиши кўзда тутилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сочи шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ҳам ўтказади.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Исмаилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 1-илова

## «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонига 2-илова

## «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ




«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги — 2,2 миллиметр.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, таралаётган қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган ҳилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган «25» ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли «YIL» ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тасвири акс эттирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалли доирада «O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA» сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказда иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида бир-бирига туташтирилган ҳолатдаги иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказда «2017» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сариқ рангли энсиз чизиқлар билан ҳошияланган эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш жараёнида ҳамда судларда ишларни кўриб чиқишда ҳимоя қилиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида, шу жумладан, агротехник тадбирларни амалга оширишда ҳамда шартномалар тузишда, маҳсулотларни ташқи бозорларга экспорт қилишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, аграр соҳада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда самарали фаолият юритаётган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини рағбатлантириш, фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган ер эгаларига нисбатан жамоатчилик йўли билан таъсир чораларини кўриш;

соҳада замонавий ресурс тежовчи илғор агротехнологияларни, муқобил энергия воситаларини, шунингдек, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга кўмаклашиш;

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, улар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда бевосита иштирок этиш;

чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўриш, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган намунавий фермер хўжаликларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш;

қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматини, шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг бошқа ташкилотлар билан кооперациясининг турли шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш, бу соҳада илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш;

қишлоқ жойларда аҳолининг деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланиш, шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ижро аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратларининг намунавий тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ижро аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган ҳудудлар ва туманлар рўйхатлари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

3. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқ депутатлари туман Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишларида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини муҳокама қилишда иштирок этиш ва ўз хулосасини тақдим этиш;

фермер хўжалигини ташкил этиш истагини билдирган талабгорларни танлаш, уларнинг захирасини шакллантириш, малакасини ошириб бориш ва улар орасидан муносиб номзодларни ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсия қилиш;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда ёшларга фермер ва деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратиш ҳақида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига тавсиялар бериш;

фермер ва деҳқон хўжаликларини юритиш учун ер участкаларини ажратиш юзасидан ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига хулосалар киритиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб судга давлат божи тўламасдан даъво аризалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар тақдим этиш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш.

4. Белгилансинки:

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) билан келишилиши шарт;

Кенгаш раиси лавозими бўйича "Агробанк" акциядорлик тижорат банки кенгашининг таркибига киритилади;

(Давоми 2-бетда).

Бугунги ёшлар:

## АНИҚ МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

*Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этадиган, ўзига хос ижтимоий-демографик хусусиятга эга қатлам — ёшларнинг бугунги кайфияти, қизиқишу интилишлари, маънавий-руҳий олами қандай? Улар учун ҳаётда нималар қадрият даражасига кўтарилган? Ўз навбатида, уларни нима ўйлантиради ва ташвишга солади? Умуман, Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги қандай ютуқларда намоён бўлмоқда?*

*"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мутахассислари ўтказган навбатдаги сўровда ушбу саволларга жавоб изланди. Унда 14 ёшдан 29 ёшгача бўлган мингдан зиёд йигит-қизлар қамраб олинди.*

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

### Талаба бўлиш орзуси

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, айни чоғда ёшларимиз учун таълим, айниқса, олий таълимнинг ижтимоий аҳамияти ўсиб бормоқда. Агар 2010/2011 йилларда ёшларнинг фақат учдан бир қисми олий маълумот олишни хоҳлаган бўлса, 2017 йилга келиб, 76,5 фоиз йигит-қиз олий ўқув юрти талабаси бўлиш энг катта орзуси эканини билдирди. Навқирон авлод вакилларининг фикрига кўра, олий таълим ҳаётда маълум бир ютуқларга, ижтимоий мавқега эришиш, яхши даромад топиш ҳамда меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлишнинг гарови ҳисобланади.

Респондентлар қизиқиши касбий нуқтаи назардан ўрганилганида, улар педагогик (18,6 фоиз), тиббиёт (9 фоиз) йўналишларида, шунингдек, молия соҳасида олий маълумот олишни афзал кўрадилар. Сўралганларнинг 4,6 фоизи ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассис бўлишни истайди. Бироқ ёшларнинг техника соҳасига у қадар қизиқиш билдирмаганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу, социологларнинг фикрича, ёш авлод ўртасида техникага касбий йўналтириш ишларини кучайтиришни тақозо қилади. Чунки мамлакат иқтисодиёти учун мазкур соҳага ихтисослашган ёш кадрлар ғоят зарур.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ



## Ижтимоий тармоқларда депутат билан мулоқот

Онлайн мурожаат, онлайн мулоқот, онлайн мунозаралар... Бугун кўпчилигимиз интернет имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан зарур маълумотларни тезликда олаяпмиз, масъул идоралар раҳбарлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилаяпмиз, шу орқали кўпдан буён бизни қийнаётган муаммоларимиз ижобий ҳал этилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган ҳаётий тамойилнинг самарали рўёбга чиқарилаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, бу жараёнда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳам фаоллик кўрсатаяпти. Депутатларнинг "Facebook", "Telegram", "Instagram" ҳамда бошқа шу каби ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалари очилган бўлиб, бу ҳар бир халқ вакилининг сайловчилар билан узвий алоқа ўрнатишини таъминлашга зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## Спорт

# Жаҳон кубогида мезбонлар ғолиб

*Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида яна бир нуфузли халқаро мусобақа ниҳоясига етди.*

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий паралимпия ассоциацияси, Миллий олимпия қўмитаси билан Халқаро кўзи ожизлар спорт ассоциацияси ҳамкорлигида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида жаҳон кубоги баҳслари ўтказилди.

Унда 30 га яқин давлатлардан келган полвонлар 13 вазн тоифасида совринли ўринлар учун татамига чиқди. Қувонарлиси, қизиқарли кечган беллашувлар якунида Ўзбекистон паралимпия терма жамоаси 4 та олтин, 3 та кумуш ҳамда 4 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Вакилларимиздан Шерзод Намозов, Феруз Саидов, Шуҳрат Бобоев, Парвина Самандарова маҳорат бобида рақибларидан устун эканликларини амалда исботлаб, олтин медаль билан тақдирланди.

Васила Алибоева, Севинч Салаева, Нурбек Мирзаев кумуш медалга сазовор бўлди. Ширин Шарипов, Шариф Халилов, Ферузахон Юсупова ва Гулруҳ Раҳимова каби полвонларимиз 3-ўрин учун ўтказилган баҳсларда ғалабага эришди.

# Тошкент кортларида энг маҳоратли теннисчилар беллашмоқда

*Айни кунларда пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида "Tashkent Challenger — 2017" анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.*

Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) тақвимидан жой олган мазкур мусобақада йигирмадан ортиқ мамлакатлардан юзга яқин ракетка усталари яккалик ҳамда жуфтлик баҳсларида иштирок этмоқдалар.

Бир ҳафта мобайнида олдинги мусобақаларда муваффақият қозонган Беларусь вакили Владимир Игнатик, россиялик Константин Кравчук, Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин, шунингдек, Гильермо Гарсия-Лопес (Испания), Томас Фаббиано (Италия), Александр Бублик (Қозоғистон), Юки Бхамбри (Ҳиндистон) ва бошқа маҳоратли спортчилар ғолиблик учун кортга тушишади.

Юртимизнинг бир қатор ёш теннисчилари ҳам ўз имкониятларини синаб кўришди. Афсуски, Темур Исмоилов, Жўрабек Каримов, Ҳумоюн Султонов илк даврадаёқ моҳир рақибларига ютқазиб қўйишди.

Икки маҳоратли спортчимиз — Денис Истомин ва Фаррух Дўстов мусобақа ибтидосида бир-бирига қарши баҳс юритдилар. Унда тажриба ҳисобига Истоминнинг қўли баланд келди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**

## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

*Кеч кириши билан кўчалардан одамлар қадами узилади. Борлиқни тун эгаллайди. Бу одатий ҳолат бўлишига қарамай, жажжигина Мусликанинг юракчасини сиқади. Ўзини уйга сиғмаётгандек ҳис этади. Шунинг учун у тунда ҳам қуёш нур сочишини истайди...*

# Бир арикдан сув ичиб...

## Икки маҳалла — икки хил манзара.

### Излаган имкон топади

Хўжаобод — Андижон вилоятининг саноати ривожланган туманларидан. Бу ерда "Нил Гранит" масъулияти чекланган жамияти томонидан "Samo" бренди остида йилига 5 миллион дона тайёр кийим ишлаб чиқарилмоқда. 480 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинаяпти. Ҳудудда катта-кичик корхоналар кўп. Айниқса, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 1 июнида Хўжаободга ташриф буюрганидан сўнг ҳудуд янада ободликка юз тутди. Ўнлаб ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида "Навигул" қўшма корхонаси ҳам фаолиятини бошлади.

— Маҳалламизда 11 трикотаж фабрикаси фаолият юритади, — дейди "Жоме" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Матисаев. — Мазкур корхоналарда 230 нафар аҳоли меҳнат қилаётир. Маҳалламиз қизлари тиккан кийим-кечаклар харидоргир. Миллий ҳунармандлик, хусусан, мебель, эшик-ром, уй ва ишхона учун жиҳозлар тайёрлаш тобора ривожланаяпти. Айни пайтда Бахтиёр Ниёзов, Музаффар Исмоилов каби дурадгор усталар ёрдами билан 6 та мебель цехи иш бошлади.

Бу ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тажрибали деҳқон Акмал Усмонов барпо этган иссиқхонада ҳар йили лимондан мўл ҳосил олинаяпти. Бу йил Акмал ака 2 сотихлик иссиқхонада лимон кўчати етиштиришни ҳам йўлга қўйди. Унинг тажрибаси ён-атрофдаги қўни-қўшнилар орасида оммалашиб бормоқда.

### Етакчининг сири нимада?

Маҳаллада эҳтиёжманд оилалар сонини камайтириш мақсадида янги иш ўринлари яратиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга сармоя ажратилишига кўмаклашиб келинаяпти. Ёш йигит-қизлар касб-ҳунар ўрганиши учун тадбиркорлар ва ҳунармандларга бириктирилмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида коллежни битирган 30 нафардан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Йил бошида маҳаллада 12 та кам таъминланган оила рўйхатга олинган бўлса, бугун улар сони 9 тага камайди. Бунга ёрдамчи хўжаликлардан оқилона фойдаланиш, аҳолига тадбиркорлик юзасидан маслаҳатлар бериш орқали эришилаётганлигини айтиш зарур.

Маҳаллага бой ҳаётий тажрибага эга, кўпчиликни ўз ортидан эргаштира оладиган, тадбиркор ва ташаббускор инсон раислик қилса, ҳудуд янада тараққий этиши, аҳоли турмуши фаровон бўлиши бор гап. Маҳалла раиси Убайдулла Матисаев ана шу фазилатларни мужассамлаштирган. Таниқли фермер, эл назаридаги бу инсон аҳолини бир мақсад йўлида жипслаштира олди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида йиғин фаоллари томонидан 70 марта сайёр қабул ўтказилгани, 300 нафар фуқаронинг ариза ва шикоятлари тўлиқ ўрганилиб, 60 та масала ижобий ҳал этилгани бунинг исботидир.

### Уч чақирим нарида...

Қурама маҳалласидаги аҳвол бунинг тамомила акси. Жажжи Муслима сингари ўнлаб мурғак гўдаклар ҳар оқшом қуёшни соғиниб, тунни бедор ўтказишга мажбур. Нега дейсизми? Бу ҳақда сал кейинроқ.

Бу ерда бир муаммо ортидан бошқасини етаклаб келганлигига гувоҳ бўласиз. Маҳалла аҳолиси, ҳатто, мобиль телефонига маблағ тушириш учун уч чақирим йўл босишига тўғри келади. Ҳудудда талаб даражасидаги на новвойхона, на сартарошхона ва на маиший хизмат шохобчаси бор. Кексалар, ёш болалар, туғуруқ ёшидаги аёллар 7 километр наридаги қишлоқ врачлик пунктига қатнашга мажбур.

Тадбиркорлик ривожланмаган, томорқадан унумли фойдаланиш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Бир-иккита фермерни айтмаганда, деярли, бизнес билан шуғулланувчилар йўқ ҳисоби. Аёллар тадбиркорлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Аслида, Қурамада тадбиркорлик учун шароит қўшни маҳаллаларга қараганда анча яхши. Сув муаммоси деярли йўқ.

### "Фаол"ларни ким уйғотади?

Маҳалла маслаҳатчиси Мунисхон Маматова бир неча марта аҳолидан тушган таклифларни ўрганиб, аҳволни яхшилашга уриниб кўрган. Аммо якдиллик, ҳамжиҳатлик бўлмагани сабабли бир кишининг саъй-ҳаракати сувга тушган тош каби йўқолган-қолган. Йиғиннинг собиқ раислари одамларни ягона мақсад сари бирлаштириш салоҳиятига эга эмаслиги боис маҳалла ана шундай муаммолар гирдобида қолиб кетаверган.

Табиийки, бундай шароитдан халқ рози бўлмайди, бошқа жойлардан иш излашга ҳаракат қилади. Шундан бўлса керак, бугун маҳалланинг ташқи миграция рўйхатида турадиганлар сони талайгина.

Жажжи Муслиманинг ота-онаси Умид Назаров ва Малика Эгамбердиева ҳам шулар қаторида. Улар ёш фарзандини қариндошлар қарамоғига қолдириб, хорижга кетишганида қизи олти ёш эди. Ота-она меҳрига қонмаган мурғак қалб ҳозирдан армонга лиммо-лим. Яқинда мактаб остонасига илк қадамини қўйди. Тенгқурларини ота-оналари етаклаб келаётганини кўрган қизча қай аҳволга тушгани фақат ўзига маълум. Илк таассуротларини ким билан баҳам кўрди экан?..

Агар бошқалар ота-онанинг ўрнини босганида, ўзга болалар каби Муслима ҳам қуёш ботишини ҳайрат билан кузатган, ҳар тонгни завқ билан кутиб олган бўларди.

**Фарҳод ЭРКИНОВ.**

## ЭЪТИБОР

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Ёшлар" оромгоҳида ёш ижодкорларнинг республика форуми бўлиб ўтди.*

# Ёш ижодкорлар форуми

Уч кун давом этган тадбирда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган 150 нафардан ортиқ йигит-қизга таниқли шоир ва адиблар, таржимонлар турли мавзуларда машғулотлар ўтдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ёш ижодкорлар кенгаши томонидан уюштирилган форумда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни ривожлантириш, қалам аҳлининг самарали ижод қилиши учун қулай шарт-шароит яратиш, ёш истеъдод эгаларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади.

— Мазкур анжуман жуда катта мақсадларни кўзлаб ташкил этилди, — дейди Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова. — Юртимизнинг турли ҳудудларида ижод қилаётган ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш шулар жумласидан. Форум давомида бу мақсадларга эришилди, деб айтишимиз мумкин. Негаки, унда очиқ мулоқотлар уюштирилди. Бой тажрибага эга бўлган адабиёт намояндалари иштирокида турли маҳорат дарслари, семинар-тренинглар, наср, назм, таржима йўналишлари бўйича ўқув-машғулотлари ўтказилди.

Тадбир мобайнида доимий равишда истеъдодли ёшларнинг ижод намуналарини чоп этишга кўмаклашиш, илмий-амалий конференциялар уюштириш, наср, назм ва таржима йўналишида методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, интернет тармоғида ёш ижодкорлар муҳитини шакллантириш, турли фестиваллар ташкил этиш масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Ёш ижодкорлар "Форумда ёзилган энг гўзал мактуб" деб номланган танловда фаол қатнашдилар.

Ёш ижодкорларнинг қизиқарли баҳс ва мунозаралари, мушоиралари форумга янада файз киритди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни сотиб олиш учун танлов эълон қилади:**

1. Китоб ва бланк маҳсулотлари (рўйхатга олиш китоблари, йўл варақалари, рўйхатга олиш журнал ва карточкалари ҳамда фирма бланкалари ва бошқалар).
2. Кимё ҳамда лок-бўёқ маҳсулотлари:
   - оқ бўёқ эмаль — 1 189 кг.;
   - қора бўёқ эмаль — 1 217 кг.;
   - қизил бўёқ эмаль — 632 кг.;
   - яшил бўёқ эмаль — 805 кг.;
   - кўк бўёқ эмаль — 870 кг.;
   - сариқ бўёқ эмаль — 575 кг.;
   - хаки бўёғи эмаль — 462 кг.;
   - кулранг бўёқ эмаль — 639 кг.;
   - совитиш суюқлиги (антифриз) — 3 880 кг.

**Таклифларни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.*

Батафсил маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12, 256-71-76, 281-46-71. Факслар: (0-371) 255-75-12, 281-46-71.

1286Я/457

**«Best realtor» МЧЖ Навоий минтақавий филиали**

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Навоий «Электркимёзаводи» қўшма корхонаси акциядорлик жамиятининг 2017 йил 6 октябрдаги 460-сонли буюртма хатига асосан, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, «Ўзбекистон» МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 29400,0 кв. м., фойдаланиш майдони 944,35 кв. м., қурилиш ости майдони 1343,32 кв. м. бўлган 0001 — 0009 (9 та) литерлардаги 9 та хонадан иборат «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳи биноси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 544 827 685 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 10 ноябрь куни соат 16.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 9 ноябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2017 йил 10 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2017 йил 11 декабрь куни соат 16.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдоси учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 7 декабрь куни соат 16.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига савдо ўтказилган санадан бошлаб 2 (икки) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда келишилган муддатда тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Best realtor» МЧЖ Навоий минтақавий филиалининг «Микрокредитбанк» АТБ Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000200433601016. МФО: 00198, СТИР: 303179580.

Хизматлар лицензияланган.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун аризалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси, 24-уй. Телефон: (0-436) 224-19-94. www.emulk.uz, best.navoiy@inbox.uz

O'ZBEKISTON havo yo'llari

**ЯНГИ ЙЎНАЛИШ**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси



**·САМАРҚАНД · ИСТАМБУЛ · САМАРҚАНД·**

2017 йил 30 октябрдан бошлаб душанба кунлари.

Замонавий «Boeing» ва «Airbus» самолётларида.

Авиачипталарни www.uzairways.com сайтидан онлайн сотиб олиш мумкин.

Sertifikat № СЭ1-О

1265Я/330

**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камхаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6 ва 9 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: (+99890) 986-80-68, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-35-71.

www.motoblok.uz

1264Я/453

IPOTEKA BANK

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**«Ипотека-банк» АТИБ**

ойнадан турли ҳажмдаги шкафлар ясаш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар 2017 йил 16 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-13-10, (+99890) 176-50-39.

Хизматлар лицензияланган.

1265А/459

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи — Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Ф. Маҳкамова. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.00 2 3 4 5 6